

Зино ва фаҳшга йўлиққанларнинг сўзлари ва уларга жавоблар (йигирма олтинчи мақола)



17:20 / 14.12.2020 3599

Зинога қўл урган аёл: Эрим билан бахтли яшар эдик. Эрим уй олгач қайнона ва қайнотамнинг уйдан кўчиб чиқдик. Уларнинг оиласи ўзига тўқ эди. Эрим автоҳалокатда вафот этди. Мен фарзандларим билан уйда бир ўзим қолдим. Қизлик уйимга боришга ҳижолат бўлдим. Қайнона ва қайнотам ҳам «қизим шу уйда тураверинг, бир режа қилармиз» дедилар. Ўзимни эса турмушга чиққим келар эди. Лекин ота-онам бу масалада менга гап очмадилар. Ваҳоланки, ёш ва гўзал бўлганим учун кимлардир менга оғиз солган экан.

Қўшнимнинг аёли чет элга қатнаб мол олди-сотдиси билан шуғулланар, ҳафталаб уйда бўлмас эди. Эр эса тайинли бир иш билан шуғулланмас, мен билан муносабати яхши эди. Мен унга чиройли кўринишга, ҳаёлини бузишга ҳаракат қилдим. У менинг ҳийлаларимга илинади деб ўйлардим. Кейинчалик шундай ҳам бўлди. Бир муддат ўйнаш бўлиб юрдик. Бу ишлардан аввалда қўшнилари хабардор бўлдилар, кейин қариндошлар ҳам хабар топдилар. Қаттиқ уялиб қолдим...

Жавоб: Бўлиб ўтган воқеаларга аввало ота-онангиз сизга совчилик қилганларни қайтариб юборганлари сабабдир. Зеро Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу хусусда ҳазрати Алига: «**Эй Али, уч нарсани ортга сурмагин: намозни вақти кирганда, жаноза ҳозир қилинганда, эрсиз аёлнинг ўз тенги топилганда**» деб айтганлар .

Термизий ривояти.

Иккинчидан қайнона ва қайнотангиз сизни фарзандларингиз билан бир ўзингизни ташлаб қўйганларидир. Балки улар молиявий ёрдам бергандирлар. Лекин молиявий ёрдам кўпгина муаммоларни ҳал қила олмайди.

Учинчидан, қўшнингизнинг аёли бир ўзи ҳафталаб чет элларда қолиб кетиши сабабдир. Ўша аёл бундай бўлмаганида балки бу ишлар содир бўлмас эди.

Тўртинчидан, унинг эри динни билган, ўзини ҳурмат қилган, жиддий эркак эмаслиги сабаб бўлган. Унинг бундай эркак эмаслигига аёлини ҳафталаб чет юртларга бир ўзини қўйиб юбориши ва сиз у ҳақда «у менинг ҳийлаларимга илинади» деб ўйлаганингиз далилдир.

Сиз эса кўпгина зинога қўл урган кишиларда бўладиган муаммолар эгасисиз. Динни билмайсиз, демак унга амал қилмайсиз. Ёлғиз қолгансиз, демак зинога эрли аёлдан кўра яқинроқсиз. Бир ўзингиз турасиз, демак зино қилишга шароитингиз бор.

Исломни ўрганиб унга амал қилинг. Ота-онангиз ёки қайнона ва қайнотангизнинг уйларига кўчиб ўтинг. Фарзандларингиз уларнинг ҳам фарзандлари. Тавбада собитқадам бўлинг ва жойи чиқса, албатта турмушга чиқинг.

(Давоми бор)

Афзал Аброр таржимаси